



УЎК:634.9

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДАГИ *CRATAEGUS PONTICA* МЕВА  
ЎЛЧАМЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ****Б.Н.Райимов**

Тошкент давлат аграр университети

[rayimovbehruz94@gmail.com](mailto:rayimovbehruz94@gmail.com)**АННОТАЦИЯ**

Мақолада сариқ дўлана мева ўлчамларининг ўзгариши бўйича тадқиқотлар натижалари келтириб ўтилган. Тадқиқот ишлари Понтика дўланаси (*Crataegus pontica* С.Коч) да олиб борилиб, унинг танланган шакли назорат варианты ва бошқа шакллардан мева диаметри бўйича 11,8-18,7%, мева узунлиги бўйича 13,3%, мева оғирлиги бўйича 33,3-45,4%, уруғ оғирлиги бўйича 14,3-33,3%, мағиз чиқиш кўрсаткичи бўйича 2,0-4,6% га тенг бўлди.

**Калит сўзлар:** Понтика дўланаси (*Crataegus pontica* С.Коч), уруғ оғирлиги, мева оғирлиги, мева диаметри, мева узунлиги, мағиз чиқиш кўрсаткичи, қизил дўлана, интродукциялаш, тоғ ёнбағирлари, назорат варианты.

**АННОТАЦИЯ**

В статье упоминаются результаты исследований по изменению размеров плодов боярышника желтого. Исследования проведены на боярышнике понтийском (*Crataegus pontica* С. Koch), выделенная форма которого составила 11,8-18,7 % диаметра плода, 13,3 % длины плода и 33,3 % массы плода, 45,4 %, 14,3-33,3 % по массе семян, 2,0-4,6% по выходу ядра.

**Ключевые слова:** боярышник понтийский (*Crataegus pontica* С. Koch), масса семян, масса плода, диаметр плода, длина плода, индекс урожайности плода, боярышник красный, интродукция, склоны холмов, вариант контроля.

**ANNOTATION**

In the article, the results of research on changes in the size of yellow hawthorn fruits are mentioned. The research work was carried out on Pontic hawthorn (*Crataegus pontica* С. Koch), and its selected form was 11.8-18.7% of fruit diameter, 13.3% of fruit length, and 33.3% of fruit weight. 45.4%, 14.3-33.3% by seed weight, the core was equal to 2.0-4.6% in terms of the output seed indicator.



**Key words:** Pontic hawthorn (*Crataegus pontica* C. Koch), seed weight, fruit weight, fruit diameter, fruit length, fruit yield index, red hawthorn, introduction, mountain slopes, control variant.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 11 майда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” ги 5041 сонли фармонида манзарали, мевали дарахтлар ва бута кўчатлари етиштириш, доривор ўсимликлар плантацияларини яратиш, тоғ ёнбағирларида, чўл ва лалми ерларда етиштириладиган, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли бўлган ўсимликлар селекцияси ва уруғчилиги бўйича илмий-тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган [1].

Ўзбекистондаги тоғолди лалмикор текисликларининг катта қисми табиий-географик шароити туфайли ўрмонсиздир. Бу майдонни ўрмонлаштириш муаммосини хал этишда маданий ўрмонлар яратишга катта аҳамият берилмоқда.

Барча давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам ахолининг формацевтика махсулотларига эҳтиёжи бор. Бу борадаги эҳтиёжи айниқса мустақилликни дастлабки йилларида яққол сезилади. Шу сабабли ҳукуматимиз раҳбарияти бу соҳада чет эл билан ҳамкорликда турли дори дармон ишлаб чиқарувчи кўшма корхоналар бунёд этила бошлади. Формацевтика саноати ривожланиб дори дармон билан савдо қилиш ишлари йўлга қўйилди. Табиийки бу нарсалар четдан катта валюта эвазига олиб келинадиган дори дармонларнинг қисқаришига сабаб бўлиши билан бирга, ҳам ашёга бўлган эҳтиёжини орттиришга сабаб бўлди. Бизга маълумки Ўзбекистоннинг чўл даштлари ва тоғларида жуда қимматбаҳо бўлган кучли хил дарахт ва буталар, гиёхлар ўсади. Буларни ўз вақтида териб, қайта ишлаб, қадоқлаб, дори дармон ишлаб чиқарувчиларга этказиш, ҳамда чет элда ўсадиган доривор ўсимликларни маҳаллий шароитларда интродукциялаш ва етиштиришни турли йўллари илмий асосланган ҳолда амалга ошириш лозим. Маълумки инсон қўли билан экилиб, парваришлаб етиштирилган ўрмонлар ва ўрмон махсулотлари табиий ва яхши сифат белгилари билан ҳам ажралиб туради. Шунинг учун саноат даражасида доривор ва озиқ овқат ўсимликларини етиштиришда парваришлаш ўстириш ва агротехник тадбирларни амалга оширишда дала тажрибасини билган ҳолда илмий асосланиб барча ишларни амалга ошириш мумкин.



Шундагина олдинга қўйилган вазифаларни бажариб Янги Ўзбекистонни янада ривожлантиришга ўз хиссамизни қўшган бўламиз.

Республикада дўлана табиий тарқалган ҳудудларни аниқлаш, туркум таркибидаги турлар биохилмаҳиллиги ва дўланазорларнинг табиий тикланиш кўрсаткичлари бўйича тадқиқотлар натижалари келтириб ўтилган. Ўрганиш натижасига кўра, Республикада ҳудудидаги дўланазорлар асосан жанубий вилоятларда тарқалган бўлиб, ушбу майдонларда Понтика (*Crataegus pontica* С.Коч) ва қизил дўлана (*Crataegus turkestanica* Ројарк.) турлари мавжуд [4].

**Тадқиқот объекти ва услубияти.** Тажриба ишлари Ўзбекистон ҳудудининг жанубида жойлашган Ҳисор тоғ тизмасида олиб борилди. Дўлананинг тавсифи, биологик, экологик хусусиятлари ва табиий тарқалиш ареали адабий манбаларни таҳлил этилган ҳолда ўрганилади. Бунда ушбу дарахтнинг баландлиги, диаметри, вегетатив ва генератив органларининг тузилиши бўйича маълумотлар келтириб ўтилади. Шу билан бирга унинг ташқи муҳит омилларига муносабати ўрганилган ҳолда дарахтнинг экологик хусусиятларига тавсиф берилди.

Ҳисор тоғ тизмасидаги дўланазорлар тоғли ҳудудларида асосан, Сиёб, Мингчинор, Матмон ўрмончилик бўлимларида кенг тарқалган. Ўрмончилик бўлимлари бўйича таҳлил этилганда, Матмон ўрмончилик бўлимида сариқ дўлана (*Crataegus pontica* С.Коч), Мингчинор ўрмончилик бўлимида Туркистон ёки қизил дўлана (*Crataegus turkestanica* Ројарк.), Сиёб ўрмончилик бўлимида эса сариқ ва қизил дўлана турлари тарқалган [2-3]. Ўрганиш натижасида меваларининг оғирлиги диаметри бўйича 1,6-1,9 см, узунлиги бўйича 1,3-1,5 см, мева оғирлиги 2,2-3,2 гр, уруғ оғирлиги 0,6-0,8 г, ҳамда мағиз чиқиш кўрсаткичи 71,3-75,9% ни ташкил этди.

Ўзбекистон жанубидаги сариқ дўлана мева ўлчамларининг ўзгариш кўрсаткичлари

№	Тажриба вариантлари	Мева диаметри, см	Мева узунлиги, см	Мева оғирлиги, гр	Уруғ оғирлиги, гр	Мағиз чиқиш кўрсаткичи, %
1	1 (назорат)	1,6±0,01	1,3±0,01	2,2±0,05	0,6±0,01	73,9±0,58
2	2	1,9±0,01	1,5±0,01	3,2±0,05	0,8±0,01	75,9±0,26
3	3	1,7±0,01	1,5±0,01	2,4±0,05	0,7±0,01	71,3±0,41
4	4	1,7±0,01	1,5±0,01	2,5±0,04	0,7±0,01	72,9±0,37
4	4	1,7±0,01	1,5±0,01	2,5±0,04	0,7±0,01	72,9±0,37



Тажриба вариантларидаги сариқ дўлана меваларининг диаметри  $1,6 \pm 0,01$  дан  $1,9 \pm 0,01$  см гача ўзгариб, 2 – тажриба вариантыдаги кўрсаткич назорат вариантыдан 18,7% га, мева оғирлиги 45,4%, мағиз чиқиш даражаси эса 2,0% га юқори бўлди.

**Хулоса.** Олиб борилган кузатувлар таҳлили шуни кўрсатадики, Китоб давлат ўрмон хўжалиги ҳудудидаги танлаб олинган шакллар орасидаги 2 – тажриба вариантыдаги кўрсаткич назорат вариантыдан 18,7% га, мева оғирлиги 45,4%, мағиз чиқиш даражаси эса 2,0% га юқори бўлди. Илмий изланишларимиз натижасида сариқ дўлана ўсимлиги ҳозирги кунда долзарб ўсимлик эканлига ва кенг миқёда кўпайтириш кераклигини ўргандик. Шу жумладан бу ўсимлик Қизил китобга киритилганлиги бунга яққол мисол бўлаолади.

#### Фойдаланилган Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги “Ўзбекистон республикаси ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” ПФ-5041 сонли фармони.
2. Шайматов О.А., Холиқов Д.М. Китоб ўрмон хўжалигидаги сариқ ва қизил дўлана турларининг тарқалиши. // Жанубий Оролбўйи биологик хилма-хиллигини сақлаш, қайта тиклаш ва муҳофаза қилишнинг экологик масалалари номли халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Нукус 2018. 285-286 б.
3. Ҳамроев Ҳ.Ф., Холиқов Д.М. Ўзбекистон жанубидаги сариқ дўлана биохилмахиллиги ва унинг меваларининг морфологик кўрсаткичлари // Сборник материалов научно-практической конференции «Инновационные подходы в использовании агробιοразнообразия в устойчивом развитии сельского хозяйства» 25-26 сентября. 2019. Ташкент 2019, 117-121 б.
4. Khamroyev Kh.F., Rayimov B.N. Indicators Of Natural Recovery Of Hawthorn In Southern Uzbekistan. International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT) ISSN: 2509-0119 2021 Vol. 25 No. 2 March 2021, pp. 266-270
5. Bexruz Ne'mat o'g'li, R. (2022, oktyabr). HISOR TOG' TIZZASIDAGI QIZIL DOLANA (CRATAEGUS TURKESTANICA POJARK.) TABIIY TAYTALANISH KO'RSATMALARI. *Konferentsiyalar arxivida* ( 244-248-betlar).
6. Rayimov, B. N. (2023). Hawthorn (Crataegus) jinsi vakillarining yashash joylarini va ularning taksonomik xususiyatlarini aniqlash.